



**Ilmiy amaliy  
jurnal  
№ 12 (14)  
2025**

**YANGI  
O'ZBEKISTON  
IQTISODIYOTI**

**“YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI” *jurnali* 12-son 2025 yil**

---

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLY TA‘LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRLIGI**

**MIRZO ULUG‘BEK NOMIDAGI  
O‘ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI**

**YANGI O‘ZBEKISTON IQTISODIYOTI**

**12**

**ISBN 978-9943-5256-3-4**

**Toshkent – 2025**

**MUNDARIJA**

<b>Юлдашев Ш.Г.</b> Редкоземельные металлы в новой геоэкономике: глобальные стратегии и приоритеты развития республики Узбекистан.....	7
<b>Tursunov A.M.</b> Совершенствование экономических механизмов функционирования отрасли.	18
<b>Umurzakova Z.S.</b> Sanoat korxonalarida reklama faoliyati samaradorligini aniqlashning uslubiy jihatlari.....	21
<b>Axunov M.A.</b> Korxonalarda raqobatbardoshlikni baholash uchun tanlangan omillar.....	24
<b>Исраилова Д.К.</b> “Аёллар дафтари” маҳаллабай тизими - аёллар бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш омили сифатида.....	28
<b>Шокирова Г.М.</b> Критерии разделения целевой аудитории в сфере цифрового маркетинга.....	33
<b>Vaxtohunova D.N.</b> Bank omonatlari bo‘yicha marketing strategiyalari va ularning real daromadlikka ta’siri.....	36
<b>Xasanova X.F.</b> Investitsilar hisobiga asoslangan xolatda moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari tashkil etish tartibi.....	41
<b>Бегимова Д.К.</b> Разработка отраслевых стратегий в Узбекистане.....	45
<b>Mirzayev B.S.</b> CBDC joriy etilishining moliyaviy barqarorlikka ta’siri: imkoniyatlar va xatarlar....	50
<b>Mirzarahimova A.A.</b> Raqamli texnologiyalar asosida sanoat korxonalarida samaradorlikni oshirish yo‘nalishlari.....	53
<b>Азимов О.Т.</b> Ҳалол молиялаштириш инструменти сифатида мурабаха: анъанавий кредит билан қиёсий таҳлил.....	56
<b>Халмирзаев А.А.</b> Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ихтисослашувини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари.....	62
<b>Шоабдурахимова М.М.</b> Повышение производственной эффективности на предприятиях электронной промышленности на примере Artel Electronics (Узбекистан).....	68
<b>Xolmuratov O.T.</b> Futbol maktablarimiz rivojlanishida xorij mamlakatlari menejmenti va marketingi tajribasi.....	72
<b>Yarashev M.O., Nabieva S.A.</b> Aksiyadorlik jamiyatlarini asosiy va moliyaviy faoliyati samaradorligini oshirish yo‘llari.....	76
<b>Кабилова К.</b> Тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олиш амалиётининг бугунги ҳолати таҳлили.....	80
<b>Махмудова С.</b> Бюджет соҳасини коррупциядан ҳимоя қилишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий чоралари.....	85
<b>Захидова Ш.Ш.</b> Университет барқарорлигини таъминлашда унинг фаолиятини халқаро стандартларга мос келадиган тартибда такомиллаштириш.....	89
<b>Saidaxmedov N.X.</b> Raqamli texnologiyalar asosida engil sanoat korxonalarida mehnat unumdorligini oshirish mexanizmlari.....	97
<b>Усманова С.С.</b> Влияние государственной поддержки и регулирование на развитие инноваций на промышленных предприятиях.....	100
<b>Madrahimov U.A.</b> Iqtisodiy o‘shish va kapitaldan samarali foydalanishni optimallashtirish yo‘nalishlari.....	104
<b>Джалилов Д.А.</b> Капиталнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини баҳолаш.....	108
<b>Султанова Л.Ш.</b> Абсорбционная способность как медиатор трансформационного экономического роста: теоретические основы.....	111
<b>Mahmudov Sh.N.</b> Location and development of industrial sectors in the regions.....	115
<b>Ustadjalilov D.R.</b> O‘zbekistonda klasterlarni rivojlantirishning institutsional asoslari transformatsiyasi: direktiv modeldan bozor tamoyillariga.....	119
<b>Гайбуллаев Ф.</b> Олий таълимда коррупцияга ўрин бўлмаслиги керак!.....	125
<b>Abdurazakova F.D., Normurodov X.E.</b> Aholi moliyaviy savodxonligi va moliyaviy madaniyati o‘rtasidagi oshirish imkoniyatlarini baholash.....	129
<b>Muxtarov M.M.</b> Rivojlangan mamlakatlar tajribasi asosida sanoat klasterlarini shakllantirish modellari: O‘zbekiston uchun istiqbollar.....	136
<b>Ro‘zmatov B.Z., Shodiyeva N.H.</b> Turistik infratuzilmani rivojlantirish bo‘yicha xalqaro tajriba va uning taqqoslovchi tahlili.....	140

<b>Rahmatova N.A., Mustafayeva H.</b> O‘zbekistonda pensiya ta’minoti tizimining muammolari va hal etish yo‘llari.....	<b>147</b>
<b>Ахмедов Х.</b> Тинчлик ва хавфсизлик — барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик гарови.	<b>154</b>
<b>Boboyev A.Ch.</b> Qishloq xo‘jaligida ishlab chiqarishni barqaror rivojlantirish yo‘nalishlari.....	<b>159</b>
<b>Исраилов З.А.</b> Яшил иқтисодиёт технологиялари: халқаро тажриба ва қиёсий таҳлил.....	<b>165</b>
<b>Ikromov A.Sh.</b> Mahalliy korxonalarda mahsulot raqobatbardoshligini boshqarish amaliyotining o‘ziga xos xususiyatlari.....	<b>169</b>
<b>Ҳалмирзаев А.А., Қодиров Б.Ш.</b> Ёшлар бандлигини таъминлашнинг хорижий тажрибалари.....	<b>175</b>
<b>Elmurodov Sh.Sh.</b> A framework for integrating fiscal risks into the assessment of regional financial security.....	<b>183</b>
<b>Axmadjonov S.S.</b> Tadbirkorlik va biznesni qo‘llab – quvvatlashni baholash mezonlari.....	<b>188</b>
<b>Sabirova Z.U.</b> Sanoat va sanoat korxonalarining raqamli transformatsiyasi jarayonlarini tahlil qilishga uslubiy yondashuv.....	<b>192</b>
<b>Pardayev T.N., Alimuxamedov Sh.R.</b> Chetdan olib kelinayotgan tovarlarning bojxona qiymatini aniqlashni takomillashtirishning ayrim masalalari.....	<b>197</b>
<b>Кадыров А., Исхаков А.К., Турсунова Н.Х.</b> Реализация механизма стратегического управления акционерного общества «Узавтосаноат» на основе прогнозирования его развития.....	<b>203</b>
<b>Zoxidov T.M.</b> Moliyaviy hisobotni buxgalteriya hisobining milliy standartlaridan (BHMS) moliyaviy hisobotning xalqaro standartlariga (MHXS) o‘tkazishning muammolari va yechimlari.....	<b>211</b>
<b>Nabiyeva N.M.</b> Turizm xizmatlari bozorida hududiy destinatsiyalar samaradorligini o‘rganish.....	<b>216</b>
<b>Sharofiddinov Sh.U.</b> Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlarda mhxs asosida tuzilgan moliyaviy natijalar to‘g‘risidagi hisobotni axborot manbai sifatidagi afzalliklari.....	<b>221</b>
<b>Nurmatov Z.Sh.</b> O‘zbekiston respublikasida moliyaviy hisobotlarning xalqaro standartlarini (MHXS) joriy etishning iqtisodiy ahamiyati va amaliy dolzarbligi.....	<b>225</b>
<b>Содиқов А.М., Зокиров С.С.</b> Саноатни модернизациялаш ва диверсификациялашнинг янги стратегияси.....	<b>230</b>
<b>Narmanov U., Ikromova S.</b> Fond bozorlariga xorijiy investorlarni jalb qilishni rag‘batlantirish yo‘nalishlari.....	<b>238</b>
<b>Qutbiddinov A.B.</b> Samarali faoliyat imkoniyatlarini amalga oshirishda boshqaruv xodimlari qobiliyatlaridan foydalanish darajasi va uni oshirish imkoniyatlari.....	<b>241</b>
<b>Qayumova Sh.S.</b> Mahalliy xomashyo bazasiga ega sanoat korxonalarida investitsiya samaradorligini belgilovchi omillar va ularni oshirishning vertikal integratsiya asosidagi optimallashtirilgan modeli.....	<b>246</b>
<b>Turebekov A.A.</b> Ishlab chiqarish xarajatlarining iqtisodiy sifatining tahlili.....	<b>252</b>
<b>Kurbanova M.N., Azizov A.A.</b> Qadimgi klassik iqtisodiy maktablarning shakllanishi va ularning zamonaviy iqtisodiyot rivojlanishiga ta’siri.....	<b>255</b>
<b>Samadova G.S.</b> O‘zbekiston iqtisodiyotida tarkibiy o‘zgarishlarning iqtisodiy o‘shishga ta’siri.....	<b>259</b>
<b>Абдуллаева Р.</b> Инклюзив тадбиркорликнинг моҳияти ва хориж тажрибаси.....	<b>264</b>
<b>To‘uchiyeva B.V.</b> Oziq-ovqat sanoati korxonalarini barqarorligini ta’minlashda strategik boshqarishning dolzarbligi.....	<b>268</b>
<b>Amnah Saeed J Alhindi</b> The role of financial resources in ensuring corporate financial stability.....	<b>272</b>
<b>Fayziyev O.R.</b> O‘zbekistonda baliqchilik klasterlarini moliyalashtirishning hududiy va tarmoq xususiyatlari.....	<b>276</b>
<b>Алимов Р.А., Султанова Л.Ш.</b> Абсорбционная способность и искусственный интеллект: многоуровневая модель и фигура нового интеллектуала.....	<b>280</b>
<b>Teshayev Z.J., Muxitdnov Sh.X.</b> Logistika xizmat ko‘rsatish korxonalarini resurslaridan foydalanishning hududiy iqtisodiy rivojlanishiga ta’siri.....	<b>284</b>
<b>Xaydarov X.U., Raxmonov D.R.</b> 1907-yilgi moliyaviy inqiroz: sabablari, kechishi va jahon moliya tizimiga ta’siri.....	<b>288</b>
<b>Солижонов М.А.</b> Ўзбекистон монетар сиёсатининг савдо балансига таъсирини баҳолаш....	<b>292</b>
<b>Rejapov X.X.</b> Davlat xarajatlarining samaradorligini baholash mexanizmlari.....	<b>297</b>

САНОАТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ДИВЕРСИФИКАЦИЯЛАШНИНГ ЯНГИ  
СТРАТЕГИЯСИ

НОВАЯ СТРАТЕГИЯ МОДЕРНИЗАЦИИ И ДИВЕРСИФИКАЦИИ  
ПРОМЫШЛЕННОСТИ

NEW STRATEGY FOR INDUSTRIAL MODERNIZATION AND DIVERSIFICATION

**Содиқов Авазбек Мадаминович**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети  
“Давлат ва корпоратив стратегиялар” кафедраси мудири и.ф.д., проф.

**Зокиров Сайидфозил Сайидакбарович**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети  
“Давлат ва корпоратив стратегиялар” кафедраси профессори, и.ф.д.

**Аннотация**

Мақолада Ўзбекистонда 2016 йилдан кейинги даврда саноат ишлаб чиқаришда рўй берган ўзгаришлар таҳлил қилинган. Охириги йилларда соҳа ривожланишига қаратилаётган эътибор, тармоқ ва ҳудудий дастурлар, солиқ имтиёзлари, экспортни қўллаб-қувватлаш, саноатни модернизациялаш ва диверсификациялаш чоралари доирасида амалга оширилган ишлар кўриб чиқилган. Тармоқ ривожланишига ҳалақит бераётган таҳдидлар ва давлат саноат сиёсати оқибатида эришилган ютуқларга баҳо берилган.

**Калитли сўзлар:** саноат ишлаб чиқариш; саноат сиёсати; рентабеллик; электр энергия; машинасозлик; текстиль; металлургия; экспорт салоҳияти; солиқ имтиёзи.

В статье анализируются изменения, произошедшие в промышленном производстве Узбекистана с 2016 года. Рассмотрены осуществляемые меры по развитию промышленности, отраслевые и региональные программы, налоговые льготы, стимулирование экспорта, работы, проводимые в рамках по модернизации и диверсификации промышленности. Даны оценки на угрозы, препятствующие развитию сектора, и достижения, полученные в результате государственной промышленной политики.

**Ключевые слова:** промышленное производство; промышленная политика; рентабельность; электроэнергетика; машиностроение; текстильная промышленность; металлургия; экспортный потенциал; налоговые льготы.

The article analyzes the changes that have occurred in the industrial production of Uzbekistan since 2016. The measures taken to develop industry, sectoral and regional programs, tax incentives, export incentives, and work carried out as part of the modernization and diversification of industry were reviewed. Assessments are given on the threats hindering the development of the sector and the achievements obtained as a result of the state industrial policy.

**Keywords:** industrial production; industrial policy; profitability; electric power industry; mechanical engineering; textile industry; metallurgy; export potential; tax benefits.

XXI аср иккинчи ўн йиллигидан бошлаб жаҳон иқтисодиётида чуқур таркибий ўзгаришлар содир бўла бошлади. Глобал жаҳон молия бозорларида фаоллик туша бошлади, хомашё товар бозорларида юқори таваккалчилик ва нархларнинг ўзгарувчанлиги юзага келди. Инновацион технологияларни жорий этишнинг халқаро рақобатдаги аҳамияти ортиб, ривожланган мамлакатларнинг инновацион иқтисодиётга ўтиш жараёни тезлашди.

Шунингдек, трансмиллий компанияларнинг ўз ишлаб чиқариш қувватларини иш ҳақиға харажатлар камроқ бўлган давлатларга жойлаштириш билан боғлиқ трендлар ўрнини аста-

секин қайта саноатлаштириш сиёсати ўрин эгаллади [1]. Етакчи мамлакатларда саноат ишлаб чиқаришини ўз ҳудудига қайтариш, ўз миллий ишлаб чиқариш қувватларини ошириш, аҳоли учун иш ўринлари яратиш, импорт ўрнини босиш ва экспорт салоҳиятини ошириш тенденцияси кузатила бошланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон саноатида эришилган ижобий натажаларига қарамай, 2010-2015 йилларда саноатда жиддий муммолар ва номутаносибликлар кўзга ташлана бошлади. ЯИМ таркибидаги саноат улуши 2011 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилга келиб 23,8 фоизга тушиб қолди. Ваҳоланки қабул қилинган давлат дастурларида 2015 йилга бориб ушбу кўрсаткични 28 фоизга етказиш кўзда тутилган эди. Бу кўрсаткич Хитой, Жанубий Корея, Малайзия, Индонезия ва бошқа мамлакатларда 30-48 фоизни ташкил қилган [2].

Ўзбекистон саноати кўпроқ хомашё маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Натижада республикада хомашёга жаҳон нархларининг ўзгаришига ҳамда хомашё импорт қилувчи мамлакатларнинг иқтисодий ҳолатларига боғлиқ бўлиб қолган эди. Буларнинг барчаси саноат ва иқтисодий ўсишнинг секинлашишига олиб келди.

2010-2016 йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш рентабеллиги пасайди. Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти (ҳозирги Макроиқтисодий ва ҳудудий тадқиқотлар институти – МХТИ) маълумотларига кўра, саноатда рентабеллик 10,6 дан 6,8 фоизгача пасайди, шу жумладан электр энергетикада – 3,8 дан 1,8 фоизгача, ёқилғи саноатида – 18,2 дан 7,2 фоизгача, қора металлургияда – 12,9 дан 6,2 фоизгача, машинасозликда – 6 дан 3,9 фоизгача, енгил саноатда – 2,3 дан 0,9 фоизгача камайди, кимё ва нефть-кимё саноатида эса минус 1 фоизни ташкил қилди [3].

Саноат маҳсулоти экспорти ҳажмини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар қўрилган натижа бермади, айрим маҳсулот турлари экспорти қисқарди. Масалан, 2010-2016 йилларда аммиак селитраси экспорти 2,1 марта, аммофос экспорти – 3,6, суперфосфат экспорти – 2,0, калий экспорти – 2,3, молибден – 3,9, цемент – 1,8 баробар қисқарди.

МХТИ маълумотларига кўра, тайёр саноат маҳсулотларининг жами экспорт ҳажмидаги улуши 2005 йилдаги 61,9%дан 2015 йилда 53,3%гача, 2016 йилда эса – 42,5%гача пасайди, саноат ишлаб чиқариши ҳажмида бу кўрсаткич тегишлича 33,8% ва 20,5% ва 14,0%ни ташкил қилди [4].

Ўзбекистонда реализация қилинган маҳсулотнинг умумий ҳажмида инновацион маҳсулот улуши тахминан 10 фоизни ташкил қилган. Бу ривожланаётган мамлакатлар кўрсаткичларидан анча паст. Масалан, Хитойда бу кўрсаткич 40 фоизга тенг. Юқори технологик маҳсулотни тайёрлашнинг саноат ишлаб чиқариши ҳажмидаги улуши 2016 йилда бор-йўғи 1,4 фоизни ташкил қилди (автомобилсозлик бундан мустасно), ваҳоланки, АҚШда бу кўрсаткич 17%, Германияда 12%, Хитойда 10% ва Жанубий Кореяда 16,5%ни ташкил қилади.

Саноатни диверсификация қилиш жуда паст даражада эди. Саноат ишлаб чиқаришининг 69 фоизи хом ашё ва бирламчи қайта ишлашга тўғри келади. Жумладан, 75 фоиз мис, 80 фоиз рух, 99 фоиз молибден, 88 фоиз шойи, 60 фоиз хом тери қайта ишланмасдан экспорт қилинади. Гўшти ва сутни қайта ишлаш асосида кенг ассортиментда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича улкан имкониятлар ҳам тўлиқ ишга солинмаган. Натижада 2018 йилда экспорт улушида рангли металллар, энергетика ресурслари ва мева-сабзавотлар улуши 52 фоизни ташкил қилган [5].

Саноатда давлат дастурларининг амалга оширилишига қарамасдан асосий фондлар етарли даражада янгиланмади, ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш суръатлари паст даражада қолди. Айниқса, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш, рангли металлургия, электр энергетика ҳамда чинни-фаянс саноатида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси пасайди. Ишлаб чиқаришда материал, энергия ва меҳнат сиғими ортиб, товарлар сифати пасайди, таннархнинг юқорилиги туфайли маҳсулотларга бўлган талаб туша бошлади.

Саноат тармоқларида кам самарали технологиялардан фойдаланилгани, узоқ йиллар давомида тармоқ корхоналари модернизация қилинмаганлиги боис катта йўқотишларга йўл

кўйилди. Масалан, табиий газ казиб олиш, қайта ишлаш ва ташишдаги йўқотишлар 20-23 фоизни ташкил қилган. 2017 йилда ишлаб чиқарилган 56,5 миллиард куб метр газнинг 17 миллиард куб метри ёки 30 фоизи “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятига қарашли иссиқлик электр станцияларига етказиб берилган. Унинг устига тармоқда ишлаб чиқарилган электр энергиянинг электр узатиш тармоқлари эскириб кетгани сабабли 15-20 фоиз истеъмолчига етиб бормасдан, тармоқнинг ўзида беҳуда йўқотилган.

Ҳар қандай мамлакат иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётида содир бўлаётган технологик ва таркибий ўзгаришларга тезкор жавоб берган тақдирдагина барқарор ривожланиши мумкин. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари 2000 йиллар бошидан бешинчи ва олтинчи технологик укладга ўта бошлаган эди. Экспертлар баҳосига кўра, 2016 йилда республикамизда ушбу укладнинг иқтисодиётнинг технологик базасидаги улуши 2-5 фоиздан ошмаган. Инновацион маҳсулотларнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши атиги 3 фоизни ташкил этган. Бунинг бош сабаби илм-фанга сармояларнинг камайгани, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги кооперация алоқаларининг заифлиги, мамлакатда инновацион ривожланиш концепциясининг мавжуд эмаслиги, инженер-техник, технологлар тайёрлаш сифатининг пастлиги ва бошқалар ҳисобланади [6]. Шунингдек, янги технологияларни жорий этиш механизми ва воситалари мамлакатимиз илмий-техник салоҳияти захираларидан самарали фойдаланиш имконини бермади.

Миллий саноатимизда йиллар давомида тўпланиб қолган муаммолар, ташқи ва ички хатарларнинг кучайиши барқарор ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлашга, унинг рақобатдошлигини оширишга салбий таъсир кўрсата бошлади. Бу вазиятда мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан ислоҳ қилиш, унинг асосий драйвери ҳисобланган саноатда чуқур таркибий ўзгаришларни назарда тутувчи янги таррақиёт стратегияси ишлаб чиқишни тақозо қилар эди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг ташаббуси билан мустақил Ўзбекистон тарихида илк бора жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган комплекс стратегик ҳужжат - “Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг беш муҳим устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси” ишлаб чиқилди [7].

Ҳаракатлар стратегиясида замонавий таҳдидларни, шунингдек, саноатни ривожлантиришдаги тизимли муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, саноат секторини ривожлантириш ва уни диверсификация қилиш, таркибий ўзгаришларни чуқурлаштириш, шунингдек, инновацион ва юқори технологияли ривожланишга босқичма-босқич ўтиш учун шарт-шароит яратиш орқали иқтисодиётни ривожлантириш асосий устувор йўналиш сифатида белгиланди [8].

Ҳаракатлар стратегиясида юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори кўшимча қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш устувор йўналиш сифатида танланди [9].

Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш натижасида 2017-2021 йилларда мамлакатимиз иқтисодиёти 24 фоизга ошган бўлса, саноатда 34 фоизга ўсишга эришилди.

Янги ислохотлар даврининг илк босқичида саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошлигини оширишга қаратилган дастурлар жадал амалга оширилди. Шунингдек, кимё саноати, рангли ва нодир металллар, углеводород хомашёсини қайта ишлаш, тўқимачилик, чарм-пойабзал, фармацевтика, мева-сабзавот маҳсулотлари ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш бўйича 8 та махсус дастур қабул қилинди. Ана шу дастурлар доирасида келгуси беш йил ичида умумий қиймати қарийб 40 миллиард доллар бўлган 657 та инвестиция лойиҳасини амалга оширишга киришилди.

Мамлакатимизда 50 дан ортиқ саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда барча имкониятлар ва нисбий устунликлар мавжудлиги эътиборга олиниб, айниқса, нефтгаз-кимё, металлургия, машинасозлик, электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари, тўқимачилик, чарм-пойабзал, озиқ-овқат ҳамда “яшил иқтисодиёт” билан боғлиқ саноат тармоқлари иқтисодиётимиз “драйверлари”га айланиши учун хусусий сектор ташаббуслари

ва янги лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ҳамда кооперацияни ривожлантириш бўйича чоратadbирлар кўрилди.

Саноат тармоқларини жадал ривожлантиришда хорижий инвестициялар жалб қилиш муҳим ўрин тутди. Ўзбекистонда 2017-2023 йилларда жами жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 78 миллиард доллардан ортди. Фақатгина 2024 йилда 13 миллиард долларлик 300 дан зиёд лойиҳани ишга туширилди, энергия таъминотини барқарорлаштириш, тармоқлар самарадорлиги ошириш ҳисобига саноатда 6 фоиз ўсишга эришилди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг янги босқичида юртимизнинг бой минерал хомашё ва кишлоқ хўжалиги ресурсларини ишлаб чиқариш, қайта ишлашдан тортиб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган технологик жараёнларни тўлиқ қамраб олган ихтисослашган кластерлар шакллантирила бошланди. Жумладан, пахта-тўқимачилик, мева-сабзавот, гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, мис, машинасозлик саноати тармоқларида кластерлар ташкил қилинди.

Миллий иқтисодиётни, жумладан саноатнинг барча тармоқларини барқарор ривожлантиришда электроэнергетика саноатининг аҳамияти жуда юқори. Лекин ўша пайтда тармоқда тўпланиб қолган муаммолар нафақат саноат ривожланишига, балки мамлакатимизда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга таҳдид сола бошлаган эди.

Тармоқдаги энг катта муаммо ёқилғи-энергетика балансининг паст даражада диверсификациялашганлигидир. Иқтисодиёт ва аҳолини ёқилғи ва электр таъминоти деярли тўлиқ битта энергия манбаига боғлиқ бўлиб қолганди. Бунда табиий газнинг улуши 85 фоиздан ортиқни ташкил қилган.

Углеводород ресурсларининг муҳим турларини – нефть ва газ қазиб олиш ҳажмларининг пасайиши, хомашё ресурслари етказиб беришдаги муаммолар натижасида тармоқ корхоналарининг молиявий аҳволи ёмонлашди.

Ёқилғи-энергетика корхоналари иқтисодий ҳолатининг ёмонлашуви ва уларнинг саноат ўсишини таъминлашдаги ролининг пасайишига олиб келди. Корхоналарини модернизация қилиш бўйича режалаштирилган янги лойиҳаларнинг молиявий таъминланмаганлиги тармоқнинг хомашё базасини ривожлантириш, янги қайта ишлаш қувватларини ишга тушириш имконини бермади. Бу ўз навбатида иқтисодиёт ва аҳолини электр энергия билан таъминлаш даражасининг пасайиши, асосий капиталнинг эскириши, электр таъминоти тизимида фавқулодда вазиятлар сонининг кўпайишига олиб келди.

Мамлакатимизнинг энергетик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тизимли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Фақатгина охириги йилларда 22 та янги электростанциялар ишга туширилди. Тармоққа хусусий капитал жалб қилина бошланди.

2017-2023 йилларда мамлакатимизда гидроэлектростанциялар умумий сони 35 тадан 58 тага етди. Уларнинг қуввати 1,8 Гигаваттдан 2,2 Гигаваттгача ошди. Фақатгина 2023 йилда Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида умумий қуввати 190 мегаватт бўлган 8 та янги гидроэлектростанциялар ишга туширилди.

Ҳозир мамлакатимиз энергетик қуввати 85 миллиард киловатт-соатга етди. Яқин йилларда яна 20 Гигаватт генерация қувватлари ишга туширилади. Шундан 9 гигаваатт қувват хусусий сармоялар ҳисобга ташкил қилинади. 2022-йилда истеъмолчиларга етказиб берилган электр энергияси ҳажми 2016-йилга нисбатан 16,7 млрд кВт·соатга ёки 36,5 фоизга кўпни ташкил этди.

Мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, иқтисодиёт ва аҳолининг узлуксиз ўсиб бораётган талабларини тўла қондириш учун электр энергия ишлаб чиқариш камида 120 миллиард киловатт соатга етказилиши лозим. Бунинг учун 50 миллиард доллардан ортиқ инвестициялар зарур. Бу тадбирлар учун хусусий секторни ривожлантириш ҳамда тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш лозим бўлади.

Ўзбекистонда қайта тикланадиган экологик тоза манбалари қуёш ва шамол қувватидан фойдаланишга катта эътибор қаратилмоқда. 2021-2024 йилларда республикаимизда қатор лойиҳалар амалга оширилди. Худудларда қуёш ва шамол генерация қувватларини ишга тушириш учун 2 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестициялар жалб қилинди. Натижада

Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё вилоятларида умумий қуввати 2,6 гигаватт бўлган 9 та йирик қуёш ва шамол электр станцияси ишга туширилди. Бу лойиҳалар Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Хитой, Франция каби давлатлар билан шерикликда амалга оширилди.

Хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг ишга туширилиши натижасида муқобил энергетика ҳисобига республиканинг электр генерациясида “яшил энергия” улуши 2024 йилда 15 фоизга етиши кутилмоқда. 2030 йилга бориб, иқтисодиёт учун зарур бўлган энергиянинг 40 фоизини “яшил энергия” ҳисобидан қоплаш прогноз қилинмоқда.

Ўзбекистон автомобилсозлик саноати Марказий Осиё мамлакатлари орасида энг йирик ҳисобланади. Тармоқ ялпи саноат маҳсулоти ҳамда ЯИМ яратишда муҳим ўрин тутаяди. Лекин 2017 йилда келиб автомобилсозлик саноатида ишлаб чиқариш ҳажми кейинги уч йилда 2,8 баробар камайган эди. Бу нафақат саноат маҳсулоти ўсиш суръатига, балки мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти ўсишига ҳам жиддий таъсир кўрсатди.

2023 йилда республикамыздаги 8 та заводда ўнлаб турдаги автомобиллар, юк ва йўловчи ташиш транспортлари, кишлоқ хўжалиги ва махсус техникалар ишлаб чиқарилди.

Автомобилсозлик саноати иқтисодий ўсишнинг асосий драйверларидан бири бўлиб, йилига 5,5 миллиард доллар даромад келтиради. 2023-йилда мазкур соҳадаги ташқи савдо ҳажми 4,4 миллиард долларни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳажми 146 миллион долларни ташкил этди [10].

Автомобиль саноати охириги йилларда диверсификация қилинмоқда. Автомобиль ишлаб чиқариш 3 баробар ошиб, 2023 йилда 415 минг донани ташкил қилди. Тармоқда давлат монополиясига барҳам бериш ва рақобатни ривожлантириш мақсадида 3 та янги хусусий корхона ва нуфузли хорижий брендлар жалб этилди. Соҳада 2 мингдан зиёд корхона кооперация асосида бир-бирлари билан боғланган ва енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 50 фоиз маҳаллийлаштирилган.

Маълумки, бугунги кунда жаҳондаги етакчи автозаводлар электромобил ишлаб чиқаришга ўтмоқда. Ўзбекистонда ҳам бу борада илк лойиҳалар амалга оширила бошланди. 2024 йилда Жиззахда 10 мингта электромобил ишлаб чиқариш қувватига эга янги завод ишга туширилди.

Ўзбекистоннинг бой табиий ресурсларга эга. Уларни ўзлаштириш эвазига тоғ-кон саноатини жадал ривожлантириш имконияти мавжуд. Мамлакатимиз олтин захиралари бўйича дунёда 2-чи, мис бўйича 7-чи, вольфрам бўйича 8-чи, кумуш бўйича 9-чи, уран бўйича 12-чи ўринни эгаллайди. Булардан ташқари, ҳали ўзлаштирилмаган яна кўплаб фойдали қазилма конлари мавжуд.

Фойдали қазилма конларини ўзлаштириш соҳасига йирик сармояларни жалб этиш мақсадида геологик маълумотлар очик эълон қилинди. 10 дан ортиқ турдаги стратегик фойдали қазилмаларни ўзлаштириш учун солиқ ставкалари пасайтирилди, ер солиғи бекор қилинди, махсус техникалар олиб кириш божхона тўловларидан озод этилди.

Хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича аниқ лойиҳалар тайёрланди. Биргина мисол. Ўзбекистонда йилига 150 минг тонна мис казиб олинади ва унинг атиги 70 минг тоннаси қайта ишланади. Яқин йилларда мис ишлаб чиқариш ҳажмини 500 минг тоннага етказиш прогноз қилинмоқда.

Шу муносабат билан мис кластерини барпо этишга киришилди. Унинг ҳудудида мис фольгаси, электродвигателлар, қуёш панеллари, кабель ўтказгич маҳсулотлари ва бошқа юқори қўшилган қийматли товарлар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга оширила бошланди.

Маълумки, яқин пайтгача Ўзбекистон иқтисодиёти асосан минерал хомашё казиб олиш ҳамда экспорт қилишга казиб олишга ихтисослашган эди. Янги тараққиёт стратегиямызда минерал ва кишлоқ хўжалиги хомашёсидан юқори қўшилган қиматли ташқи ва ички бозорда рақобатдош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш устувор йўналиш сифатида белгиланган.

Охирги олти-етти йил олдин асосан пахта, олтин, мис ва газ хомашёсини сотиб, даромад кўрган мамлакатимиз қисқа муддатда минтақада иқтисодиёти диверсификация қилинган, тайёр маҳсулотлар экспорти жадал ўсиб бораётган давлатга айланди.

Кимё саноати асосан қишлоқ хўжалиги учун минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Тармоқнинг диверсификациялашиш даражаси жуда паст бўлган. Товар ҳажмида минерал ўғитлар улуши 70 фоиздан ортиқни ташкил қилган. Унинг таркибида азот ўғитларининг улуши 78,9 фоизни ташкил этган. Натижада кимё бозорида юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотларнинг улуши жуда паст даражада бўлган.

Кимё саноати таркибида 21 та корхона фаолият кўрсатмоқда, бу 2017-йилга нисбатан 1,6 баробар кўп. Бугунги кунда “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти корхоналарида 180 турдан ортиқ кимё маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Ўзбекистон кимё саноатида 2017-2022-йилларда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми 9,9 триллион сўмдан 33,4 триллион сўмга, минерал ўғитлар ишлаб чиқариш ҳажми эса 1149,9 минг тоннадан 1484 минг тоннага ўсди. Экспорт ҳажми 513,2 миллион долларга ошди. Импорт қилинадиган маҳсулотларни қисқартириш мақсадида маҳаллий ишлаб чиқариш ҳажми 167 миллиард сўмдан 2,6 триллион сўмга кўтарилди. Инвестициялар 63,3 фоизга ошиб, 458,3 миллион долларни ташкил этди.

Текстиль саноати Ўзбекистон иқтисодиётининг истиқболли асосий тармоқларидан бири саналади. Агар 2017 йилда текстил саноатининг умумий саноатдаги улуши 7,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2023 йилда 13,1 фоизни ташкил қилди. Тармоқ аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутди. 2017-2023 йилларда тармоқда иш ўринлари сони 2 марта ошди.

Маҳаллий хомашёни чуқур қайта ишлаш имкониятига эга бўлган текстиль саноатини янада ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Ушбу дастур қиймати 2 миллиард 300 миллион доллар бўлган 140 та инвестиция лойиҳасини бажаришни кўзда тутган эди. Тайёр тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 3 марта ошириш имконияти яратилди.

2016-2023 йилларда экспортда тайёр трикотаж матолари (4,1 фоиздан 9,7 фоизга), трикотаж кийим-кечаклари (12,9 фоиздан 27,2 фоизга) ва бошқа кийим кечаклар (0,8 фоиздан 4 фоизга) улуши ошди [11]. Лекин текстил маҳсулотлари экспорти яхши диверсификациялашмаган бўлиб, унинг асосий қисми Россия (44%), Хитой (13,7%), Туркия (10,4%), Қирғизистон (7,8%) ва Эрон (3,2%) ҳиссасига тўғри келади.

2021 йилда Ўзбекистон GSP+ тизими аъзоси мақомини олди. Натижада охирги уч йилда Европа Иттифоқи(ЕИ)га текстил маҳсулотлари экспорт қилиш 2 баробар ошди. Келажакда ЕИда талаб юқори бўлган текстил маҳсулотлар ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва диверсификация қилиш, тармоқнинг экспорт салоҳиятини ошириш зарур.

Худудларнинг комплекс ривожланиши кўп жиҳатдан маҳаллий ресурсларлардан самарали фойдаланиш даражасига боғлиқ. Худудлар иқтисодиёти таркибида саноат улуши ҳамон паст даражада қолмоқда. Республикаимизнинг айрим минтақалари ялпи худудий маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши атиги 9-12 фоизни ташкил этган.

Айниқса, саноат корхоналарини оқилона худудий жойлаштиришда жиддий муммолар тўпланиб қолган эди. Республикаимизнинг аксарият минтақаларида ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг асосий қисми вилоят марказлари ва йирик шаҳарлар улушига тўғри келган. Кўпчилик қишлоқ туманларида ва кичик шаҳарларда саноат жуда суст ривожланган эди. Мисол учун, 19 та қишлоқ туманларида аҳоли жон бошига саноат ишлаб чиқариш ўртача республика кўрсаткичларидан 10-15 баробар пастроқдир. 2016 йилда 81 та туманига республика бюджетидан субвенция ажратилган.

Бироқ айрим шаҳар ва туманларда бу ўта муҳим масалага етарлича эътибор берилмай қолганди. Оқибатда, республиканинг 27 та туманида саноат улуши вилоят кўрсаткичининг 1 фоизига ҳам етмас эди. Шу сабабли, ҳар бир туман ва шаҳар саноатини ривожлантириш бўйича ўрта ва узоқ муддатли дастурлар ишлаб чиқиш бошланди.

Янги саноат сиёсатида аввало саноати суст ривожланган минтақалар, туман ва шаҳарларга асосий эътибор қаратилди. Ривожланиш даражаси жиҳатидан барча туман ва

шаҳарлар 5 гуруҳга ажратилди. Жумладан, тадбиркорлик учун ҳар томонлама ривожланган 26 та туман – 1-тоифага; инфратузилмаси яхши бўлган 46 та туман – 2-тоифага; шароити нисбатан қониқарли бўлган 76 та туман – 3-тоифага; жозибадорлиги етарли бўлмаган 40 та туман – 4-тоифага; шароити оғир бўлган 20 та туман – 5-тоифага тўғри келган эди. Эндиликда тоифага қараб, туманларнинг иқтисодий ривожланиши устувор йўналишлари белгиланди. Тадбиркорлар учун субсидия, кредитлар ва компенсациялар тоифалардан келиб чиқиб ажратилди [12]. Улар учун солиқ ставкалари ҳар хил бўлиб, табақалаштирилган ёндашувдан фойдаланилди. Мисол учун, бешинчи тоифага кирувчи, шароити энг оғир бўлган 20 та туман учун айланмадан олинадиган солиқ, фойда солиғи, ижтимоий солиқ ставкаларини 1 фоиз миқдорида белгиланди. Мазкур туманлардаги тадбиркорлар ер ва мол-мулк солиқлари бўйича ҳисобланган сумманинг атиги 1 фоизини тўлаш амалиёти жорий қилинди.

Якка тадбиркорлар қатъий ставкадаги солиқларни тўлашдан озод этилди. Худди шундай, бошқа тоифадаги туманларда кредитларга пасайтирилган фоиз ставкаларини қўллаш, инфратузилма харажатларини давлат томонидан қоплаб бериш каби бир қатор энгилликлар берилди.

2024-2025 йилларда нисбатан сустривожланган 15 туман ва шаҳарни жадал комплекс ривожлантириш мақсадида ажратиб олинди. Уларда камида биттадан маҳаллада «яшил маҳалла» лойиҳаларини амалга оширишни назарда тутувчи дастурлар тасдиқланди. Туман ва шаҳарлар ихтисослашувидан келиб чиқиб, саноат, қишлоқ хўжалиги ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида тадбиркорлининг ривожланишига туртки берувчи 5 тадан “драйвер” лойиҳалари тасдиқланди ва уларга зарур инфратузилмани яратиш учун Давлат бюджетидан 2024-2025 йилларда 1 триллион сўм маблағ ажратилди [13].

Солиқ тизимида яратилган қулай шароит саноатни ривожлантиришда муҳим рол ўйнади. Қўшилган қиймат солиғи ставкаси 15 фоиздан 12 фоизга туширилди. Бунинг эвазига фақатгина 2023 йилда тадбиркорлар ихтиёрида 7 триллион сўм қўшимча маблағ қолди.

Сўнги олти йилда иш ҳақиға солиқ юки 2 марта камайди, қўшилган қиймат солиғи 20 фоиздан 12 фоизга туширилди. Кўплаб чеклов ва тўсиқлар олиб ташланиши туфали корхоналар сони 2 марта ошди [14]. Хорижий инвесторлар акцияларидан оладиган дивидендлар уч йил муддатга фойда солиғидан озод қилинди. Муҳими – солиқ ва божхона қонунларига янги ёки оғирлаштирувчи жавобгарлик чоралари киритилмаслиги қатъий белгилаб қўйилди.

Ташқи савдо эркинлаштирилмоқда. Хусусан, инвесторлар учун зарур бўлган 7 мингдан зиёд хомашё ва товарларга божхона божлари бекор қилинди. Божхона худудида қайта ишлашнинг соддалашган тартиби жорий этилди. Янги-янги бозорларга кириш мақсадида Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига қўшилиш жараёни жадаллаштирилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, саноат ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва диверсификациялаш давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, бу соҳада белгиланган стратегик вазифаларнинг изчил амалга оширилиши макроиқтисодий барқарорликнинг мутаҳкамланишига, давлатнинг иқтисодий қудрати юксалишига, янги иш ўринларининг яратилишига ва аҳоли фаровонлигининг яхшиланишига олиб келади.

#### **Фойдаланилган адаётлар рўйхати:**

1. Кондратьев В.Б. Возвращение производства, или новая индустриализация. <https://cyberleninka.ru/article/n/vozvraschenie-proizvodstva-ili-novaya-industrializatsiya>
2. Пчелинцев В.С. Восточная Азия: международные производственные системы и развитие региона. <https://cyberleninka.ru/search?q=В.С.%20Пчелинцев&page=1>
3. Аналитическая записка Института макроэкономических и региональных исследований. <https://podrobno.uz/cat/economic/uzbekistan-serezno-velichil-postavki-gotovoy-tekstilnoy-produktsii-osnovnoy-potok-eksporta-idet-v-r/>
4. Аналитическая записка Института макроэкономических и региональных исследований. <https://podrobno.uz/cat/economic/uzbekistan-serezno-velichil-postavki-gotovoy-tekstilnoy-produktsii-osnovnoy-potok-eksporta-idet-v-r/>

5. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитаси маълумотлари
6. Спицын В. В. Оценка результативности развития высокотехнологичных отраслей зарубежных стран // <https://cyberleninka.ru/article/n/otsenka-rezultativnosti-razvitiya-vysokotehnologichnyh-otrasley-zarubezhnyh-stran>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4168749>
8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 26-йиллигига бағишланган тантали мажлисда сўзлаган нутқи. //“Халқ сўзи” 9 декабрь 2018 й.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5635-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4168749>
10. Ўзбекистон Республикаси миллий статистика қўмитаси маълумотлари
11. Аналитическая записка Института макроэкономических и региональных исследований. <https://podrobno.uz/cat/economic/uzbekistan-serezno-uvlichil-postavki-gotovoy-tekstilnoy-produktsii-osnovnoy-potok-eksporta-idet-v-r/>
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабрдаги “Республика ҳудудларини тоифаларга ажратиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг табақалаштирилган тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-287-сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6333225?ONDATE=20.01.2025%2000>
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 29 сентябрдаги “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-330-сон қарори. <https://lex.uz/uz/docs/7109778>
14. Якубова Э. Т. Повышение промышленного потенциала как драйвера экономического развития регионов Узбекистана // <https://cyberleninka.ru/search?q=%D0%AF%D0%BA%D1%83%D0%B1%D0%BE%D0%B2%D0%B0%20Элнора-Хан%20Талабхановна&page=1>